# ЎСМИРЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЁНДОШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Ташпўлатова “Умумий психология” кафедраси ўқитувчиси
Эргашева Мохина-Педагогика ва психология йўналиши 2-босқич талабаси

**Аннатация:** Ушбу мақола боланинг индивидуал хусусиятларини, атроф-муҳитни англаш ва идрок этиш, ёш даврга нисбатан ривожланаётган психик даражасини ўрганиш ва уни такомиллаштириш тўғрисида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Дўстлик, ўсмирлик, ижтимоий фойдали, ижодий,ўз-ўзини англаш.

Ота-оналарнинг энг катта орзуларидан бири фарзандларининг бахтни, камолини кўриш. Худди шу масала бугунги кунда мамлакатимизда нафақат ота-оналар балки жамиятимизнинг олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда кўплаб ота-оналар, педагоглар бола шахсининг таълим-тарбия жараёни, бу жараённинг психологик омиллари билан уйғун равишда таъсир ўтказишни истайди.

Бунинг учун эса, энг аввало ёш даврлар психологияси хусусиятларини билишлари, инобатга олишлари даркор. Ёш даврлар психологияси фан сифатида боланинг индивидуал хусусиятларини, атроф-муҳитни англаш ва идрок этиш, ёш даврга нисбатан ривожланаётган психик даражасини ўрганиш ва уни такомиллаштиришдан иборат.

Ҳар бир ёшда бирор функциянинг ривожланиши бошқа бир функциянинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш кучаяди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради.

Худди шундай, боланинг 3-5 ёш даври тилни, унинг луғавий ва структуравий хусусиятларини ўзлаштиришга жуда мақбул бўлса, етуклик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айни шу сифат деярли ўзини йўқотади («тил қотиб қолади»). Бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ нормаларига бўйсуниш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади.

Ўзгаларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлса-да, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар жамияти томонидан тан олинишига эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади.

Шахс индивидуал тараққиётининг энг мухим омилларидан бири унинг ёшга боғлиқ хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг хар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказади. Психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, хар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд.

Шундан келиб чиқиб бола билан муомала муносабатга киришганда хар бир инсон боланинг ёш хусусиятларини хисобга олиши лозим. Шунга мувофиқ холда айтиш мумкинки ўсмирлик даврида боланинг хулқ атворида ўжарлик, тажанглик, гапга кирмаслик, ўз камчиликларини тан олмаслик каби салбий холатлар яққол номоён бўлади.

Ўсмирларнинг яна бир мухим хислати – уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, мухаббатнинг вужудга келишидир. Атракция (ёқтириш, ўзига жалб этиш)деб аталадиган ҳиссиёт пайдо бўлади (бу даврларда) ёқтиришдан то севги, муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқлик ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади: ижтимоий психологияда мазкур ҳиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлари – шерикларнинг битта макон ва замонда эканликлари, тез-тез учрашиб туришлари таъсирида пайдо бўлади ва ўспириннинг ўз-ўзини ҳурмат қилиши, бошқалар билан муносабатда тоқатлироқ бўлишига таъсир кўрсатар экан, ўсмир атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши катта тарбиявий аҳамияга эга.

Дўстлик ўсмир учун «алтер – эго» яъни иккинчи «мен» ҳисобланиб, у билан бирга дарду – хасратларини муҳокама қилади, одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади. Асосан 2 киши, баъзан 3 – 4 киши бўлиш мумкин. Дўстликнинг асосий шарти – ўзаро бир –бирини тушунишдир. Дўстлар гап – сизлар ҳам юз ифодаси, юришни тушуниб оладилар. Дўстлик – бир – бирини аяш, ғамхурлик қилиш, қўллаб – қувватлаш, мехр, хатоларни биргаликда тузатиш демакдир. Мана шу сифатлар ардоқланса дўстлик узоқ давом этади. Ёш ўтган сари бу дўстлик юксак қадриятга айланади. Аттраксия 2 кўринишдадир. У ўсмирни самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучли қилади. Дастлаб симпатия – ёқтириб қолиш босқичи, кейинчалик эса ҳақиқий севги пайдо бўлади. Баъзи ота – оналар бу даврдаги авждан чўчийдилар, баъзи айниқса қизларга тақиқлайдилар ҳам.

Энг муҳими хар бир ота-она бу даврда ваҳимага тушуб қолиши керак эмас. Бу давр одамнинг болалик оламидан чиқиб катталар оламига ўтиш даври эканлигини хисобга олиб ўсмир бола билан ота-оналар турли мавзуларда, дилкаш суҳбатлар қуришга харакат қилишлари, айрим оилавий ишларни режалаштиришда унинг хам фикрини сўраб, маслаҳатлашишга харакат қилиш, бола билан кўп гаплашиш лозим.

Қанча кўп дилдан гаплашилса шунчалик боланинг муаммоларини билиб олиш мумкин. Болага қилинаётган талаб ёки таъқиқлашлар буйруқ ёки

ибратли эмас балки дўстона ва тушунтирувчи оҳангда бўлиши керак. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, меҳнат ўсмирлик ёшида ўсмир учун ижтимоий фойдали, ижодий, қизиқарли ва ўсмирнинг қўлидан келадиган қилиб уюштирилган тақдирдагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
2. Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.
3. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).
4. Dilfuza Qarshiboyeva, КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
5. Dilfuza Qarshiboyeva, IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
6. Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906
7. Toshpo'latova, N. (2021). CHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073
8. Nodira Toshpo'latova, ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
9. Nodira Toshpo'latova, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

СИФАТИДА , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
10.Ахмедова Насиба Ачиловна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ.https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982
11.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3076
12.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962
13. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620
14.Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620
15.Xamdamov, X. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345
16.Nazira Po'latova, ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
17. Nazira Po'latova, ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
18.Mamaraimova, R. (2022). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(5). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112
19.Ra'no Mamaraimova, КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
20. Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). BO’LAJAK O’QITUVCHILARDA KASBIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном*

*образовании*, *2*(5). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107
21.Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(5). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5109
22. Abdurasulov, R. (2022). ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(5). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5108
23.Qodirova, M. (2022). O‘SMIRLAR TARBIYASINING QIYINCHILIK XUSUSIYATLARI VA ULARNING KELIB CHIQISH SABABLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(5). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5105
24.Kamolova, S. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(6). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191
25.Shirin Kamolova, РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
26.Shirin Kamolova, САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
27.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
28.Axmedova, N. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O‘QUVCHILARDA TA’LIM JAROYONIDA MOTIVATSIYANING O’RNI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(6). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5270
29.Achilovna, A. N., & ugli, K. S. F. (2022). Information Texnologu in the Professional Development of Modem Teachers. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, *2*(2), 73–77. Retrieved from https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1054
30.Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. Essence, 29(8), 3593-3598.
31.Kamolova, Shirin Usarovna, & O‘Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI

SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 676-681.
32.Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG'LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 630-636.
33.Nuriddinovna, K. S., & Meliyevna, P. N. (2022). Characteristics of Environmental Education Issues in Avesto. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 69–72. Retrieved from https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1053
34.Usarovna, K. S. (2022). The Importance of Cognitive Processes in the Formation of a Scientific Worldview among Students. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 78–83. Retrieved from https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1055
35.Karshibaeva Dilfuza Burlievna (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. Евразийский Союз Ученых, (12-1 (81)), 4-5.
36.Karshibaeva, D., & Sattarova, F. (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. EurasianUnionScientists, 1(12 (81)), 4-5.
37.D.Qarshiboyeva.Improving Family Literacy Relationship depending on psychological education at school and family environment. https://ijiemr.org/downloads/Volume-10/ISSUE-3
38.Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (3). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325
39.Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.
40.Karimova V. M. «Psixologiya» T.Sharq 2002y.
41.G'oziyev E. G'. «Umumiy psixologiya» 1-2 tom. Toshkent-2002y.
42.Ivanov P.I., Zufarova M. «Umumiy psixologiya» T.: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2008 yil